

3. Алимов Э., Адамбаева Т. // «Илим ҳам жамийет», 2015, №1. 24-25-б.
4. Қанаатов Т. Таъелибай тарыйхынан там-тум сыр. –Нөкис: «Қарақалпақстан», 1993.

РЕЗЮМЕ

Мазкур мақолада қорақалпоқ жировчилик хунари, Бухора ва Навоий ҳудудларида яшаб ижод қилган таниқли жировлар ҳақида базибир маълумотлар берилган. XIX асрда яшаб, ижод қилган Шанқай жировнинг ҳаёти, ижоди, адабий мероси таҳлил қилинган.

РЕЗЮМЕ

В данной статье приведены некоторые сведения о каракалпакском джирравском ремесле, известных джирравах, живших и работавших в Бухарской и Навоийской областях. Анализируются жизнь, творчество и литературное наследие Шанхай Жирова, жившего и творившего в XIX веке.

SUMMARY

This article provides some information about the Karakalpak jiravic craft, well-known jiravs who lived and worked in Bukhara and Navoi regions. The life, work and literary heritage of Shanghai Zhironv, who lived and worked in the XIX century, are analyzed.

ЧОРИ БАХШИ УМИРОВ ИЖОДИГА БИР НАЗАР

Л.Худайкулова – филология фанлари номзоди

ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти

Таянч сўзлар: дoston, бахши, образ, мотив, сулола, эмоционал, мерос.

Ключевые слова: эпос, бахши, образ, мотив, династия, эмоциональность, наследие.

Key words: epic, bakhshi, image, motive, dynasty, emotional, heritage.

Бизга маълумки, Янги Ўзбекистонимизда бахшилар ижоди ва фаолиятини кенг миқёсда ўрганиш, тарғиб этиш ишлари давлат сиёсати даражасига кўтарилганлиги ҳамда халқ эпосининг тадрижий тараққиёти, эволюцияси ва ғоявий-бадий хусусиятларини кенг қўламда тадқиқ этилиши қувонарли ҳолдир.

Дарвоқе, бугунги кунда учинчи ренессансга қадам қўяётган Янги Ўзбекистонда миллий қадриятларни асраб-авайлаш, хусусан, бахшилар ижодини қадрлаш, ривожлантириш, ёш бахши-шоирлар ижодий фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилаётганлигини Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 майдаги ПҚ-4320-сон “Бахшичилик санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарори асосида Юнеско ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий комиссияси билан биргаликда ўзбек халқининг кўҳна ва бетакрор санъати намунаси бўлган бахшичилик санъатини Юнесконинг Инсоният номоддий маданий меросининг репрезентатив рўйхатига киритиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш масаласида катта ишлар амалга оширилаётганлигида қўришимиз мумкин. Шу нуктаи назардан, 2021 йил 10 апрелдаги ПҚ-5070-сон “II Халқаро бахшичилик санъати фестивалига тайёргарлик кўриш ва бахшичилик санъатини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорда “Ўзбек миллий бахшичилик ва дostonчилик санъатининг ноёб намуналарини асраб-авайлаш ва ривожлантириш, уни кенг тарғиб қилиш, ёш авлод қалбида ушбу санъат турига ҳурмат ва эътибор туйғуларини кучайтириш, турли халқлар ўртасидаги дўстлик ва биродарлик ришталарини мустаҳкамлаш, ижодий ҳамкорлик, маданий-маърифий муносабатлар доирасини халқаро миқёсда янада кенгайтириш”дек олижаноб вазифалардан иборат кўрсатмалар белгиланганлиги бахшичилик ва дostonчилик санъатининг нафақат жонли жараёндаги сақланишини, балки ушбу санъатни жаҳон халқлари ижодиёти контекстида ўрганиш учун янги имкониятларга йўл очди [1].

Халқ дostonларининг яшовчанлиги, уларнинг халқ мероси сифатида чуқур илдиз отишида бахшиларнинг хизматлари бекиёсдир. Ҳар бир бахши дoston куйлар экан, аввало унинг эмоционал таъсирини оширишга, ундаги бадий тасвир воситаларни қўллаш орқали мазмунни янада бадий бойитишга интилади. Акс ҳолда рангсиз тасвир мисоли тингловчиларда таъсирчанликни уйғота олмайди. Шундай бахшилардан бири Чори бахши Умиров бўлиб, у куйлаган ҳар бир

дoston бадий пишиқликка, ўзига хос бекиёс услубга эгаллиги билан ажралиб туради.

ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти Фольклор архивида Инв.№1963-сақлов бирлиги остида рўйхатга олинган “Шерали” дostonи қўлёзмасида қайд этилишича, дoston 2016 йил сентябрь ойида 1938 йилда Қашқадарё вилояти, Дехқонобод тумани, Етимқудуқ кишлоғида атоқли халқ дostonчиси Умир Сафар ўғли хонадонидан туғилган Чори бахши Умировдан ёзиб олинган. Дostonнинг мазкур инвентарь рақами остида сақланаётган нусхаси иккита умумий дафтар шаклида асарнинг жонли ижро жараёнида ёзиб олинган вариантдир. Чори бахши Умиров Дехқонобод тумани марказидаги ўрта мактабни тамомлагач, шу мактабда 1969 йилгача ўқитувчилик қилган. Бир муддат Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтида сирдан ўқиган. 1969 йилда Сурхондарё вилоятининг Музрабод туманига кўчиб ўтиб, дехқончилик билан шуғулланган. Бахши дostonчиликни отаси Умир шоирдан ўрганган бўлиб, ундан “Таркибадахшон”, “Малла савдогар”, “Ғойибнома”, “Шерали”, “Шералининг уйланиши”, “Мохиғулистон”, “Темурбекнинг туғилиши ва болалиги”, “Эрали” каби дostonларни ёзиб олган ва кўп дostonларни ўзи ёддан ёзиб чиққан ҳамда Фольклор архивига топширган. Улардан 2010 йил “Ғойибнома”, 2011 йил “Темурбекнинг туғилиши ва болалиги”, “Эрали” дostonлари ҳамда “Устоз бахши дуоси” номидаги термалари нашр этилган. Бахши томонидан ёзиб олинган дoston ва термалар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 14 майдаги ПҚ-4320-сон Қарори асосида Юнеско ишлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий комиссияси билан биргаликда ўзбек халқининг кўҳна ва бетакрор санъати намунаси бўлган бахшичилик санъатини Юнесконинг Инсоният номоддий маданий меросининг репрезентатив рўйхатига киритиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишда хизмат қила олади.

2017 йил бахшига дostonчилик йўналишидаги фаолияти ва меҳнатлари учун давлатимиз томонидан “Ўзбекистон халқ бахшиси” унвони берилганлиги бежиз эмас. У жуда кўп дostonларни ёзиб олиб, ўрганган ва бизга мерос қилиб қолдирган.

“Шерали” дostonи кирилл ёзувида икки юзи етмиш тўққиз саҳифани ташкил этади. Дoston мазмунига кўра, Жанубий Ўзбекистон дostonчилик мактаби бахшилари репертуаридаги “Шерали” дostonида “Нурали” дostonлари сюжети, қаҳрамоннинг туғилишидан то Чамбил юртининг учинчи ҳукмдори бўлишигача ва тўртинчи ворисга ўрнини бўшатгунгача бўлган ҳаётини

қирқдан ортық вариантларда акс эттиради ва асар ниhoясида Гүрүғли-Аваз-Шералининг топишиши орқали Гүрүғли-Аваз ишларининг яна бир давомчиси, эзгулик курашчиси майдонга чиққани акс этади.

“Шерали” достонида сюжетлар, мотивлар, ундаги образлар, образларга хос хатти-харақатлар “Гүрүғли” туркумидаги бошқа достонлар қатори ўхшаш жиҳатлари билан бир-бирига яқин туради.

Чори бахши Умировдан ёзиб олинган “Шерали” достонининг мазмунига кўра, “Шерали” достонида асосий воқеалар Чамбилда эмас, балки Кўктош мамлақатида Саидхон подшо ҳукмронлигида кечади. Зулфизар ўғил кўргач, Саидхон тахтга ворис дунёга келганидан шодланиб тўй беради ва элу халқдан Шералига отаси кимлигини сир сақлашни қатъий талаб қилади. “Шер” дегани ҳайвоннинг зўри, “Али” деб битилган худонинг сўзи дея икки қисмдан иборат исми ўзида мужассам этган невараси Шералининг мард ва жасур бўлиб вояга етишига Саидхон алоҳида эътибор беради. Айниқса, Кўктошнинг ори, зўри бўлган Рустамбек саркарданинг Шералига найзабозлик, чавандозлик, кураш тушиш сингари ҳарбий машқларни ўргатишни йўлга қўйдириши Саидхоннинг ўз юртига Гүрүғлидай, Аваздай меросхўр қолдириш истагини билдиради. Ҳатто у Шерали ўн икки ёшга кирганда унинг ёнига яна қирқта ўзи тенги ўспир топиб бериб, ҳарбий машқ қилдиришни Рустамга тайинлайди. Гүрүғли ва қирқ йигити кексайганда эпик қаҳрамоннинг невараси ўзи тенги яна қирқ йигитни тайёрлаши муҳим наслий аҳамиятга эга. Энди юртни қўриқлаш учун ёш ботирлар керак бўлади. Шералининг дастлабки қаҳрамонлиги, устози Рустамни ва қирқ дўстни Оқтош шоҳи Бувраҳон асирлигидан қутқаришида кўринади.

Достонда туш кўриш мотиви, сафарга чиқиш мотиви, юртни душманлардан қўриқлаш мотиви, икки юрт ва элат ўртасидаги дўстлик мотиви, сулолани давом эттириш каби қатор анъанавий мотивлар учраши алоҳида аҳамиятга эгадир.

Ошиқ ўйнаётган Шерали қўлидан отилган соққанинг бир момо чархини синдириши каби анъанавий мотиви воқеаларнинг ривожига бурилиш ҳосил қилади. Аччиқланган кампирнинг “Отасиз” деб ҳақоратлаши ва Шералига нима қилса, онаси Зулфизар отасини айтиши мумкинлиги ҳақида маслаҳатидан сўнг Чамбил-Гүрүғли-Аваз тўғрисида фикрлар сюжет чизигида кўрина боради. Унга айтгандек, отаси ўғли кетмаганини, Аваздек қаҳрамонлигини билган Шерали Чамбил сафарига отланади. Саидхон эса Чамбилда қолиб кетади деган ўй билан набирасини жўнатишга қаршилиқ қилади. Аммо ноилож саксон норга мол ортиб, Рустам ва қирқ йигити билан бориб келишга розилиқ беради. Сундуз тоғида Қоразўр номли қароқчилар ҳужумни қайтариб, Асқар товга етадилар.

Чамбилда ҳам қирқ йигит қариган, аввалги ғайрат-шижоат йўқ. Шу сабабли Авазхон Нуралига қирқ йигит топиб бериб, Асқар товга ҳарбий машққа юборади.

Тунда Мозондара деган дарада олов ёнаётганини кўрган Шерали бир ёндан, Нурали иккинчи ёндан “Бу нима бўлди?” – деб хабарлашиш учун отда чиқиб, ўзаро дуч келиб қоладилар. Дастлаб, сон-саноксиз ёвни кўрган ака-ука бир-бирига дўқ қилади. Кейин қиличлашадилар. Тенгсиз олишувда ҳар иккаласини қилич зарбидан Ғирот саклайди. Шу ерда ҳар иккаласи ўзини Авазнинг ўғлиман деб бир-бирига таништиради ва эртаси Чамбилга бостириб келаётган Эрон қўшинларини йигитлар билан маҳв этадилар.

Мазкур достонда Авазнинг сафарга отланиши эпосдаги анъанавийликка асосланади, яъни фольклордаги етакчи мотивлардан бири туш мотиви билан бевосита боғлиқ ҳолда кечадики, буни Гүрүғлининг тушида Гулирухсорга ғойибона ошиқ

бўлишида кўрамыз. Достонда айтилишича Чамбил мамлақатида Гүрүғли подшолик қилган. Гүрүғли тушида Гулирухсор парини кўради ва ғойибона ошиқ бўлиб қолади. Авазхон отаси Гүрүғлининг тушида Гулирухсорни кўрган ёрини олиб келиш учун сафарга отланади. Гулирухсорни ахтариб Таркибадахшонга кетаётган Аваз, йўлда Кўктошда Зулфизарни айдархондан қутқараман деб яхши кўриб қолади ва уйланади. Агар Аваз йўлда Зулфизарни айдархондан қутқариб, унга уйланмаганида воқеалар тизими бошқача шаклланган бўлиши мумкин эди.

Достонда эпик от образи ўрин олган бўлиб, икки ҳолатда Долғиротнинг иштироки учрайди. Таркибадахшонга Гулирухсор учун қилинган сафарда эпик қаҳрамон олдида учраган машаққатли тўсиқларни енгиб ўтишида Долғиротнинг алоҳида ўрни ва хизмати бор. Достонда отга кўп вазифани юклатиш сабаби шундаки, ниҳоят оғир вазифаларни ҳал этиш учун Авазга кўмак берувчиси бўлмаган. Барча тўсиқларни енгишга биргина Авазнинг жасорати, матонати, сабр-бардоши етмаган. Шу боис, достонда ҳомий сифатида Долғирот ёрдамчи сифатида гавдаланади.

*Долғиротни ваҳм босиб чалғийди,
Бир-бирига садоқ сермар икки шер,
Садоқ тегса гўлдай бўлиб сўлийди,
Икки зўрнинг зарбасига ёронлар.
Асқар товнинг бўрилари улийди.
Икки йўлбарс қайтмайдиди жўшади,
Бир-бирига отни қистаб қўшади,
Зарбалари қаранг товни тешади,
Бир-бирига яқин қўймас Долғирот,
Чарчаганда бир ҳовридан тушади.*

Иккинчи ҳолатда эса Долғирот Шералига паросатлаб тиклаб қараса, Шерали Авазхоннинг ўғлига ўхшайди, буни кўриб бўғинлари бўшайди. Ҳў Долғирот димоғини чаклаб, элириб-элириб тиклаб, Авазхоннинг ўғли эканлигини билиб, ҳайвон бўлса-да мийғида кулиб, Шералига кўнгли тўлиб, бойланиб турган гулмиҳини айланиб, қалласини чайқаб, усти-устига икки марта жингирдаб кишнаб юборди. Отнинг бу кишнашига Нурали қирқин беклари билан чодирдан чиқиб қараса, Долғирот гулмиҳини айланиб, димоғи чок бўлиб, ўйнаб кишнаётганини кўриб, ҳайрон бўлиб атрофга қараса, келаётган савдогарларни кўрди. Долғирот бундай нарсаларни сезганда ҳам бир қараб кўяр эдию бундай ўйноқлаб кишнамас эди дейилади.

Достонда икки юрт ва элат ўртасидаги дўстлик мотиви учрайди, яъни Шерали отасини топгандан кейин бобоси Гүрүғли, момоси Гулирухсор, отаси Авазхон, акалари Нурали ва Эрали Чамбилдан Кўктош юртига Шералининг бобоси Саидхон, момоси Шамсиқамар ва онаси Зулфизар билан кўришиш учун йўл олади. Кўктош мамлақати билан Чамбил мамлақати фалақининг гардиши билан Яратган Оллоҳнинг хоҳиши билан бориш-келиш мамлақатга айланади. Шералининг икки акаси, отаси, хели-хешлари Чамбилда кўп бўлиб, бири бўлмаса, бири келиб, бориш-келиш қилишни давом эттириши акс этади.

Достон якунида сулолани давом эттириш анъанаси мотивини Саидхон Кўктош мамлақатининг подшоиси Оловхон эшондан дуо олиб, юрт подшолигини невараси Шералига топшириши ва сулоласи қуримаслиги учун Шерали Кўктошда қолиши орқали кўрамыз.

Достонда Гулирухсорни Шералига қилган ҳадяси алоҳида ўрин эгаллайди. Шерали Кўктош мамлақатига подшо бўлгач, орадан уч кун ўтгач, Гулирухсор момоси Шералини олдига келиб: “Давримда қолмаган чолам, Оллоҳим кўрсатмасин тани алам, бобонг Гүрүғли, отанг Авазхон, акаларинг Нурали, Эрали бўлса, дев мастон, жодугарлар билан тўқнаш келиб жанг қилишингга тўғри келади. Мен Долғиротнинг укаси Оқдевшоннинг

Қоражонини сенга берман. Қулунлигидан бошлаб ўзим тарбия қилганман. Чатанига тўртта камчи ташласанг, қўлтигидан қанот чиқариб, девлар катори осмону фалакка учад. Девлар билан жанг қилиш сирларини ҳам ўрганиб қолган», – деб Қоражонни Шералига бериши ҳолати намоён бўлади.

Достон якунида Чори бахши Умиров отаси Умир шоир бахшига ҳурмат билан мурожаат қилиб, шогирдининг устозга бўлган ҳурматини, муносабатини куйидаги сатрлар орқали етказди:

*Очилганда богнинг тоза гулиман,
Чертар бўлсам унинг гавҳар қўлиман,
Айтар бўлсам унинг чечан тилиман,*

*Умир бахши куйлаб ўтди элатда,
Отим Чори, шу бахшининг улиман.
Мустақиллик очиб берди улкан йўл,
Достон айтиб сайрасинда қизил тил,
Янги достон айтишимдан мақсад шул,
Йигирмата янги достон айтдимда,
Ўқисинда, достонларни қизу ул...*

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, бахшининг бошқаларга ўхшамаган услубга эга эканлиги алоҳида ажралиб туради. Атоқли халқ бахшиси Чори бахши Умировнинг достон ва термаларини келгусида илмий ўрганиш ҳамда тарғиб қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Адабиётлар

1. Мирзиёев Ш. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Бахшичилик санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”, ПҚ – 4320-сон Қарори, 2019 йил 14 май.
2. Афзалов М. Ўзбек халқ бахшилари. // “Шарқ юлдузи”, 1946, №10.
3. Маҳмуд Кошғарий. Девону лугатит турк. Т. I. –Тошкент: «Фан», 1960. 214-215-б.
4. Мамашукуров К. Идеино художественные особенности цикла дастанов “Нурали”. Дисс. канд. филол. наук. – Т.: 1985.
5. ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти Фольклор архиви. Инв.№1963.
6. Эргашев А. Қашқадарё – Сурхондарё достончилиги. –Тошкент: “Фан», 2008.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада Чори бахши Умиров репертуаридаги “Шерали” достонидаги образ ва мотивлари ҳақида фикр юритилади.

РЕЗЮМЕ

В данной статье рассматриваются образы и мотивы эпоса «Шерали» из репертуара Чори Бахши Умирова.

SUMMARY

This article discusses the image and motives in the epic "Sherali" from the repertoire of Chori Bakhshi Umirov.

ҚОРАҚАЛПОҚ ЛИРО-ЭПИК ДОСТОНЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШ ЖАРАЁНИ МАСАЛАЛАРИ

У.Ж.Жаксимова - филология фанлари номзоди

Муҳаммад Ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети Нукус филиали

Таянч сўзлар: фольклор, лиро-эпик достонлар, маънавият, урф-одат, бадийлик, миллий характер, жанр, типология, генезис.

Ключевые слова: фольклор, лирико-эпический эпос, духовность, традиция, искусство, национальный характер, жанр, типология, генезис.

Key words: folklore, lyric-epic epic, spirituality, tradition, art, national character, genre, typology, genesis.

Қорақалпоқ халқининг ҳам авлоддан-авлодга ўтиб келаётган халқ оғзаки намуналари ҳисобланган лиро-эпик асарлар «Хурлиқа-Ҳамра», «Ғариб-Ашх», «Нажеп уғлан», «Юсип-Зилийха», «Саятхан-Ҳамра» каби достонлар умуммиллий маданий меросимизнинг ажралмас бир бўлагидир. Мазкур достонлар воқеаларининг мураккаблиги, қаҳрамонларининг ранг-баранглиги, халқимизга хос урф-одат, анъаналарининг турли-туманлиги, тасвир услубининг гўзаллиги ва рангларга бойлиги билан ажралиб туради. Достонларда халқимизнинг турмуш тарзи, маданияти, ўлкамиз гўзал табиати, оилавий муносабатлар, дин, дастур, урф-одатлар ва жамият ҳодисаларини таърифлаш каби масалаларнинг акс этиши ҳозирги авлодга ибрат мактаби бўлиб хизмат қилиши шубҳасиздир. Ҳозирги даврда демократик ва ҳуқуқий жамият барпо этаётган шу кунларда бу достонларнинг маънавий-маърифий, сиёсий-тарбиявий роли бениҳоя каттадир. Чунки, достонлардаги хилма-хил воқеалар, халқ ҳаёти тасвири, бадий усуллари асарлар оша сайқалланиб, халқ руҳини, миллий хусусиятларини акс эттиришга ихчамлашиб, ривожланиб келмоқдаки, бу унинг барча даврларга ҳамоҳанг бўлишига ёрдамлашади.

Қорақалпоқ фольклоршунослигида халқ оғзаки ижоди намуналари бўйича тадқиқ қилинган ишлар анчагина. Аммо, гўзал лиро-эпик достонларнинг эволюцион ривожланиши ва жанрий хусусиятлари тўғрисида махсус монографик йўналишда ўрганилмаган. Шунинг учун ҳам қорақалпоқ лиро-эпик достонларининг генезисини, тарихий илдизлари ва бошқа халқлардаги версияларининг ўхшаш ва фарқли

томонларига - типологиясига, боғлиқ жиҳатлари ва улар орасидаги типологик масалаларга ҳам эътибор беришимиз керак. Мазкур достонларнинг бадий хусусиятларини ҳам кенг ва атрофлича ўрганиш орқали унинг миллий характерини, қорақалпоқ халқига хос хусусиятини очиб беришга ҳаракат қиламиз. Шу пайтгача бундай тадқиқот қорақалпоқ фольклоршунослигида амалга оширилмаганлиги учун қорақалпоқ лиро-эпик достонлари қорақалпоқ фольклоршунослигида ўрганилишни кутиб ётган объектлардан бири эди. Уни адабий-тарихий, киёсий-типологик, миллий ўзига хослиги жиҳатларидан ўрганиш қорақалпоқ фольклоршунослик фани соҳасига катта янгиликлар беради. Бу эса ўрганаётган мавзуимизнинг нафақат қорақалпоқ балки барча туркий халқлар фольклоршунослигида долзарб эканлигини таъминлайди.

Қорақалпоқ лиро-эпик достонларининг илмий-амалий, назарий масалалари Н.Давқораев [3:91], Қ.Айимбетов[1:492], И.Сағитов [7:350], Қ.Максетов [6:332], Ҳ.Ҳамидий [8:212], А.Алимовнинг [2:168] ва таникли озарбайжон олими Х.Корогли [4:93], козок олими З.Қоңиратбаевлар [5:368] баъзи достонларнинг генезиси, жанр хусусиятлари, типологияси, поэтикаси каби муаммоларни ўз ишларида ёритган.

Қорақалпоқ лиро-эпик достонлари дастлаб оғзаки шаклда яратилган ва кейинчалик адабий жараён таъсирида ёзма ҳолда халқ китобига айланиб кетган. Унинг халқ китоби бўлиб шаклланишига кўпроқ эътибор қаратадиган бўлсак, халқимиз орасида шу кунгача ўзининг маънавий аҳамиятини сақлаб келаётган ҳинд тилидан таржима қилинган «Қалила ва Димна», форс адабиётидаги «Шоҳнома», «Рустами